

**ÓZBEKSTAN RESPUBLIKASI JOQARI
BILIMLENDIRIW, ILIM HÁM INNOVACIYALAR
MINISTRILIGI
ÓZBEKSTAN RESPUBLIKASI MÁDENIYAT HÁM
TURIZM MINISTRILIGI
ÓZBEKSTAN MÁMLEKETLIK KONSERVATORIYASI
NÓKIS FILIALI**

MUZÍKA HÁM KÓRKEM ÓNER XABARSHISI

ilimiy-metodikaliq jurnal

MUSÍQA VA SAN'AT AXBOROTNOMASI

Ilmiy-uslubiy jurnal

ВЕСТНИК МУЗЫКИ И ИСКУССТВА

Научно-методический журнал

BULLETIN OF MUSIC AND ART

Scientificmethodical journal

№ 1

SHOLKEMLESTIRISHI:

O'zbekiston mamleketlik konservatoriyasi Nokis filiali

- Bas redaktor:** – Allanbaev Rudakiy, professor w.w.a
Bas redaktor orinbasari: – Kamalova Dilduza, filologiya ilimleri boyinsha
filosofiya doktori (PhD)
Juwapli xatker: – Gulmira Palwanova

REDKOLLEGIYA AGZALARI:

- Omonilla Rizaev** – O'zbekiston mamleketlik k'rkem oner ham mad'niyat
institut'i, professor w.w.a.
Hikmat Rajabov – O'zbekiston mamleketlik konservatoriyasi Nokis filiali,
professor w.w.a.
Sayyora Gafurova – O'zbekiston mamleketlik konservatoriyasi, professor
Oydin Abdullaeva – O'zbekiston mamleketlik konservatoriyasi, professor.
Qurbanbay Jarimbetov – Qaraqalpaq mamleketlik universiteti, professor.
Alima Berdimuratova – Qaraqalpaq mamleketlik universiteti, professor.
Ziyada Bekbergenova – OzR IA Qaraqalpaqstan bolimi, professor.
Oqilxon Ibragimov – O'zbekiston mamleketlik k'rkem oner ham mad'niyat
institut'i, professor.
Azizbek Turdiev – O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlis Senatm'n jaslar,
mad'niyat ham sport mas'eleleri komiteti baslig'i
orinbasari, filologiya ilimleri boyinsha filosofiya
doktori (PhD).
Allanazar Abdiev – Filologiya ilimlerinin kandidati, Qaraqalpaqstan Respublikasi
xaliq jazirshisi
Artiqbay Erejepov – Nokis qalaliq 1-sanli balalar muzika ham k'rkem oner mektebi,
pedagogika ilimleri boyinsha filosofiya doktori (PhD).
Janabay Marziyev – Qaraqalpaq mamleketlik universiteti, filologiya
ilimleri boyinsha filosofiya doktori (PhD), docent.
Iroda Mirtalipova – OzMK janindagi B.Zokirov atindagi MEKOl, k'rkem
onertanir ilimleri boyinsha filosofiya doktori (PhD).

JAMIYETLIK KENES:

- | | |
|-----------------------|-------------------------|
| Baxtiyor Sayfullaev | Najimatdin Muxameddinov |
| Ozodbek Nazarbekov | Najimatdin Ansatbaev |
| Komoliddin Urinbaev | Gulistan Annaqlicheva |
| Dawitbay Qurbaniyazov | Rayxan Saparova |
| Qalbay Turdiev | Paraxat Mamutov |

MAZMUNĠ

Алланбаев Р. Миллий мәдеиятымызды рауажландыруу жолында және бир кәдем	3
--	---

MUZİKATANIŲ

Мамутов П.А. Замангәй музика тәлим системасын жетилистириуде рууыйлыктын орны	5
Пахратдинов Ш. Работа над произведением крупной формой	10
Sayidov T. D. Xonandalik ovozing fiziologik va akustik xususiyatlari	14
Мирталипова И.М. Ҳинд мусика назариясидаги товушкатор структураларига бир назар	16
Raimova D.M. O'rta Osiya musiqa cholg'ularining paydo bolish tarixi	20
Расулов М.М. Мусика, теле ва радио дастурларнинг муҳим компоненти ва композицион омили сифатида (тембр, темп, ритм, импульсивлик мисолларида)	23
Matyakubova U.G'. V-XV asrlar markaziy Osiyada musiqa madaniyatining nazariy asoslari	28

KŲRKEM ŲNER

Ражабов Х.Ж. Арсланбай Нажимов ижодига бир назар... ..	33
Matimuratov S.E. Qaraqalpaq kompozitori Kenesbay Abdullaev dōretiwshiligi haqqında	35
Qutekeeva R.A. Qaraqalpaq kōrkem ōnerinde Ilish Xojametovtın tutqan ornı	39
Allaniyazov B.Q. Muzika kōrkem ōneriniń bayteregi (<i>Kompozitor Najimatdin Muxammeddinovtın ōmiri ham dōretiwshiligi haqqında</i>)	44
Чаршемов Ж.А. «Қоблан» балетининг композицион хусусияти	48
Абдуллаева Ш.С. Труд все побеждает	57
Abatbaeva R.A. Qaraqalpaq kōrkem ōnerinde kompozitor Gayıp Demesinovtın tutqan ornı	61
Палўанова Г.А. «Аязий» драмасында кахарман характерин сәулендириўдиц өзине тән қасийетлери	65
Палўанова Г.А. Каракалпакстанда театр режиссурасының пайда болыуындагы миллий дәреклер	68
Muxammeddinov Q. Milliy opera ham balet janrdagi tariyxiy shigarmalar	71
Parmonov D.R. «Doira va urma zarbli cholg'ulari» musiqa san'atining yorqın namoyondasi	75
Каримова И.И. Традиции исполнения музыки Каракалпакского композитора Гаип Демесинова	78

ATQARIŲSHILIŲ ŲNERI

Erejepov A.A. Baqsishılıq kōrkem ōnerinde dōretilgen qosıq ham namalarını jaslar tarbiyasındaǵı ahmiyeti	83
Tnıbaev P.K. Dirijyorlıq kōrkem ōneriniń turleri ham evolyuciyası	87
Шарипова А.Р., Сидикова А.М. К вопросу о фортепианном исполнительском искусстве в Узбекистане	92
Ayubov K.Z. Foniologiya va odam ovozi tasnifi	95
Ziyovutdinova Z.U. XIX asrning ikkinchi yarimida o'zbek xalq cholg'ulari ijrochiligi sohasidagi jiddiy o'zgarishlar	98
Dadaboyev X.M. Xalq cholg'ulari ansambllarini tashkil etish	100
Aliev N.G. Demli saz āsbaplar tariyxı, klassikalıq muzika ham onıń būgingi kündeǵi tutqan ornı	102

Saidxonov A.S. Cholg' u konsert janrı tarıxı va taraqqiyoti	105
Jumabaev A.E. Qaraqalpaq kórkem ónerinde xalıq namalı qosıqlarınm tutqan orm	110

MUZİKA PEDAGOGİKASI

Xojanazarov T. Vokal pedagogikasındagı metodlardı zamanagóy pedagogikaga aylandırıw usılları	115
Ходжаметова Г.И. Задача обучения, воспитания и развития детей в музыкальной школе	117
Botirova X.T. Musıqa ta'limi pedagogikasida o'quvchi yoshlarni ma'naviy-axloqiy ta'lim-tarbiyasini shakllantirish	121
Saidumarov I. Ta'lim-tarbiya va shaxsning ma'naviy kamoloti xususida sharq allomalarining qarashlari	124
Абдисултанов Ж.Дж. Болалар мусика ва санъат мактабларида «Мусика адабиёти» фанини ўқитишда инновацион ёнлашув	128
Матёкубов Э.Г. Мусикада модулли таълим асослари	131
Najmetdinova N.I. Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida bolalarning mustaqil musiqiy faoliyatining ahamiyati va mazmuni	137
Iseev R.A. Fortepiano paninin jahon muzika oqıw procesindeki ahmiyeti ham orm	141
Dauletbaev T.K. Milliy saz asbaplarm mektep oqıwshılarma úyretiwidin ahmiyeti	145

JÁMIYETLIK-GUMANITAR PÁNLER

Бекбергенова З.У. Қарақалпақ халық дәстаны «Қырық қыз» хэм хэзирги қарақалпақ драматургиясы	150
Утепова Т.Б. Маданиятлараро мулохот таҳлиллари Европа олимлари назарида	153
Жумашева А.Х. Интерактивные приёмы и формы проведения практических занятий	159
Саденова Г.П. Қарақалпақ паремиологиясында жақсылық концепти	163
Mambetnazarov M.K. Hoja Axmet Yassawiy hikmetlerinin jaslar tarbiyasındagı ahmiyeti	166
Марзияев Ж.К. Мақаланың публицистикалық сыпаттамасы	169
Камалова Д.Э. Шығарма композициясында турмыс шынлығын сәулелендириў шеберлиги	171
Мамбетназарова Р.К. Идеино-тематические особенности жанр путешествия в Каракалпакской литературе (на примере «Путешествия в пять стран по океану» Тажсена Изимбетова)	175

JAS IZERTLEWSHILER

Paxratdinov J.A. Kop qırlı talant iyesi	180
Jumamuratova A.A. Qaraqalpaqstanda Opera janrınm tutqan orm	181
Muratbaeva A.A. Jaslardın muzikalıq intellektın asırıwda muzika sınshısı Gulmaryam Kamalovanın orm	185
Orazalieva G.S. Güllengen dawırde — Jana namalar (Jamil Charshemov dóretpeleri haqqında)	186
Segizbaeva G.Q. Qaraqalpaqstanda daslepki muzikalıq drama janrınm payda bolıwı	188

Antik davrdagi Xorazm burchakli arfalari 2 turga, ya'ni katta burchakli va kichik burchakli arfalarga bo'linadi. O'rta Osiyoda mashhur bo'lgan barcha burchakli arfalar, ya'ni Ayritom (mil. avv. II asr – milodiy I asr) frizidagi (bino peshtoqidagi) va Tuproq-qal'a (III asr) arfalari kichik burchakli arfalar turiga kiradi. Qo'y qirilgan qal'ada tasvirlangan (mil. avv. IV-III asr) katta burchakli arfa O'rta Osiyoda qo'llanilgan birinchi va yagona arfadan dalolat beradi. Shuningdek, bu O'rta Osiyo arfasining ilk tasviri hisoblanadi.

Xorazmning katta va kichik burchakli arfalari 2 qismdan – rezonator va tor ushlagichdan iborat bo'lib, bir-biri bilan tekis burchak ostida birlashtirilgan. Cholg'ular faqatgina yog'och xomashyosidan tayyorlangan. Torlarning bir uchi rezonatorga ilingan, ikkinchi uchi esa tor ushlagichga bog'langan. Torlar soni 9 ta va 6 tani tashkil etgan. Katta Qo'y qirilgan arfasida 9 ta, Tuproq-qal'a arfasida 6 ta, Ayritom arfasida esa 9 ta tori bo'lgan. Torlar ichakdan ishlangan.

Shunday qilib, yurtimizda olib borilgan arxeologik qazilmalar jarayonida topilgan qoyatoshlardagi naqshlar (rasmlar), terrakota (sopol) haykalchalari, mis va kumush idishlarda tasviri tushirilgan cholg'u ushlagan sozandalar, qadimgi davr musiqa madaniyati cholg'ularining rang-barangligidan dalolat beradi. Natijada zarbli, shovqinli va qisman damli cholg'ular ibtidoiy jamoa davrida ma'lum miqdorda takomillashgan. Avval zarbli, keyin shovqinli, damli va nihoyat torli cholg'ular paydo bo'la boshlagan.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O'zbekiston milliy entsiklopediyasi.
2. *Begmatov A.* O'zbek xalq cholg'ularida ijrochilik tarixi.
3. *Xo'jayev R.* Ayol qalbi navolari. – T., 2005, 44-bet.
4. *Odilov A.* O'zbek xalq cholg'ularida ijrochilik tarixi. – T., 1995, 90-bet.
5. *Вызго Т.* Миграция музыкальных инструментов Средневосточного региона на Запад в эпоху раннего средневековья // Традиции музыкальных культур народов Ближнего, Среднего Востока и современность. – М., 1987,
6. *Садиков Р.* Музыкальные инструменты древнего Хорезма в памятниках изобразительного искусства // Музыка народов Азии и Африки. – М., 1969.

МУСИҚА, ТЕЛЕ ВА РАДИО ДАСТУРЛАРНИНГ МУҲИМ КОМПОНЕНТИ ВА КОМПОЗИЦИОН ОМИЛИ СИФАТИДА (ТЕМБР, ТЕМП, РИТМ, ИМПУЛЬСИВЛИК МИСОЛЛАРИДА)

Расулов М.М.

*Илмий маслаҳатчи: с.ф.н., проф. С.М.Бегматов
Андижон давлат университети*

Аннотация. Мақолада Тв ва Радиолар дастурларининг томошабин ва тингловчиларга таъсири ва уларнинг муносабати масалаларида мусиканинг умумий ва айрим хоссалари таҳлил қилинган. Бунда мусиканинг асослари тембр, темп, ритм, импульсивлик таъсири хусусида баён этилган.

Калит сўзлар: ТВ Радио, тембр, темп, ритм, импульс, дастур, Агогика, компонент, crescendo, diminuendo.

Аннотация. В статье анализируются общие и отдельные свойства музыки с точки зрения влияния теле- и радиопрограмм на зрителей и слушателей и их отношение. Основы музыки описываются с точки зрения тембра, темпа, ритма, импульсивности.

Ключевые слова: ТВ Радио, тембр, темп, ритм, импульс, программа, Агогика, компонент, crescendo, diminuendo.

Annotation. The article analyzes the general and individual properties of music from the point of view of the influence of television and radio programs on viewers and listeners and their attitude. The fundamentals of music are described in terms of timbre, tempo, rhythm, impulsiveness.

Keywords: TV Radio, timbre, tempo, rhythm, impulse, program, Agogics, component, crescendo, diminuendo.

Телеасарларнинг кўргазмали товушқатори тасвир, матн, мусиқа ва шовқинлар бирикмаси асосида яратилади. Дастурларни эфирдаги муҳим компоненти — мусиқа ўзининг ўрни ва вазифалари билан бу борада ажралиб туради.

Турли жарнга мансуб радио ва теледастурларни таҳилили, уларни тизим ичида ўрни ва эгаллаган мавқеи нуқтаи назардан мусиқани асарда турли вазифаларни амалга оширишга кодирлигини кўрсатади:

- Телекўрсатув ёки радиоёшиттиришнинг драматургик конструктив тузилишига таъсир қилиши;
- Бўлажак ҳаракат воқеийликларини олдиндан белгилаб, у ҳақда хабар бериши;
- Бўлаётган жараён ёки воқеийликнинг эмоционал шиддатини ошириши;
- Персонажнинг ички рухий ва эжмоционал ҳолатини белгилаб бериши;
- Кахрамонларни ўзаро муносабатини ойдинлаштириши;
- Давр колоритини таъминлаши;
- Бўлаётган воқеа ва ҳаракат ҳолати ва кайфиятини очиб бериши
- Ўз зиммасига ички монологи вазифасини олиши;
- Тасвирий қаторнинг мазмун моҳиятини ўзгартириши;
- Муаллифлик (режиссёр) позициясини очиб беришга кўмаклашиши;
- Бошқа воситалар билан очиб бера олмайдиган кирраларни эмоционал ҳолатда ифодалаб бериши;
- Студия шароитида айтиб бўлмайдиган нарсаларни «пинҳон тўлдириш»и;
- Кадрдаги ҳаракатни қўвватлаши.

Мусиқа бир қатор эмоционал хусусиятларга эга бўлиб улар ифода воситалар ёрдамида кадрда амалга оширилади: тембр, темп, динамик воситалар, регистр, фактура, ритм ва бошқалар. эфир дастурларида улар экраннинг воситалари таъсирида бир мунча ўзгариб боради. Масалан лўндалик, мусикий лавҳаларни оҳанг тизимининг йигиндилари ихчамлиги асардаги ҳаракатлар қисқариши билан боглиқ бўлади. Шу боис мавзу ўрнида нафақат ёдда қолувчи ёрқин қуй балки айрим аккорд изчилликлар, мусикий- шовқин эффектлари ишлатилиши мумкин бўлади.

Эфир дастурларининг мусикий мавзулари вариацияланишлиги, темп, гармоник, тембрал ва бошқа муносабатидаги ўзгариши ва қайта ишланиши хусусиятларига эга бўлмоғи даркор. Бу кадрда руй бераётган воқеийликларга ва улардаги ҳаракатларни вақт ва макондаги ўрин алмашувига мос тушиши керак.

Мусикий фонограмма **ритми** эфир асарнинг тизимида ташкил этувчи ўрин бажариб, у кадрдаги ҳаракатни бир мунча тезлаштириш, унга аниқлик ато этиш, унинг идрок жараёни бажариш каби вазифаларни амалга ошириши мумкин.

Мусикий мавзунинг кучли ва нисбатан кучли товушига мос тушишиши телевидениедаги кадрларни алмашуви борасида – томошабинларни эфирни сифатли қўлай ва шинам қабул қилишга кўмаклашади.

Фонограмманинг мусикий ритми такрорлар, солиштиришлар эвазига дастурдаги экспрессияни кучайтириш ҳиссини ошириш мумкин. Мусиқа турли эфир элементларини бирлаштиришга кодир. Ўз навбатида эфир асар мусикий фонограмманинг ритмига таъсир қилиши мумкин.

У мусиқага ифода воситаларнинг эстетик табииятига кўра (монтаж секинлаштириш, тезлашиш, унинг сокинлиги ёки импульсивлиги) ўзига хос қоидалар ҳосил этади.

Эфир асарнинг товуш ечимида қўлланилаётган музикаий фонограммаларнинг ритми кўринишига матннинг характери, баёнот турининг камерлиги таъсир кўрсатади.

Темп ритм каби шакл тузилиш хусусиятга эга. Бу борада турли ранг баранг темп ишлатилиши назарда тутилади. Бир хил темптаги музикаий фонограммаларни қўлланилиши, айниқса катта хронометражли телевизион дастурларда аудиторида бир хиллик, ҳаракатни чўзилиб кетиши ҳисси яратади.

Телевизион асарларнинг темпоритми кўпинча лавҳани очиб берувчи монтаж жараёни билан аниқланади. Вазмин ва секин метроритмли музикаий фонограмманинг монтажи томошабинда секин осойишта кузатув ҳиссини пайдо қилиши мумкин ва экрандаги тасвирни аста секин очиб бергандек бўлади.

Аксинча тез метроритмли музикаий фонограммаларга қилинган лавҳалар монтажи тез, асабий кескинлик, ҳаракатларни жадал ва тез ривожини акс эттиришга қодир.

Темпоритм фазовий ва вақт давомидаги масофада ҳаракатни шакллантириб унинг «кучайиши» ва «сокинланиши» оқибатида эфир асарининг ташқи ҳаракатини таъминлаб беради, унинг ички компонентлари орасида боғлиқликни яратиб беради. Музикаий фонограмманинг темпоритми нафакат асарнинг эмоционал ҳорлати балки томошабинларни идрок жараёнини бошқариш ҳам мумкин.

Тембр замонавий музиканинг асоси сифатида эфир дастурининг кесимида ўзига хос аҳамиятга эга бўлади. Тембр ёрдамида (товуш ранги) тасвирланаётган ҳодиса ва предметнинг турли характер ифодасини, эмоционал кайфияти, инсоннинг рухий ҳолатини кўрсатиш мумкин. Музикаий фонограммаларда турли чолгуларнинг тембр бўёқларидан тўғри ва оқилона фойдаланиш натижасида турли образлар: эртақона, тарихий, детектив ва бошқаларни ифодалаб кўрсатиш мумкин.

Масалан, эртақона образни яратиш учун «биллур» тембр жарангига эга чолгулар: челеста, қўнғироқчалар, арфанинг баланд регистрдаги жарангини қўллаш мумкин. Музикаий чолгуларнинг тембрлари фожиавий, ҳажвий ва реал бўлмаган тимсолларни яратиб беришга қўмаклашади.

Эфир дастурларининг тили ўз навбатида музикаий фонограммаларнинг фактурасига ўз таъсирини ўтказади.

Бу борада икки турдаги фактура қўлланилади — бири тиниқ иккинчиси қалиндир.

Тиниқ фактура музикаий фонограммада бир вақтда кам миқдордаги музикаий чолгуларни, ёки яккахон ижрони назарда тутаяди.

Қалин фактурада эса аксинча бир вақтда катта сонли музикаий чолгуларни жаранги (оркетср tutti си) каби ўзига бирлаштиради.

Дикторлик матнни мавжудлиги музикаий матнни ва ундаги ахборотни идрок этишга ҳалақит бермаслиги учун бир мунча тоза ва тиниқ олинишини тақазо этади.

Огзаки ва музикаий фонограммаларни асл бирлашувини кўзлаган лавҳаларда қалин фактура ишлатилиши мақсадга мувофиқ.

Эфир дастурларда кенг ҳолатда динамик воситалардан фойдаланилади. Кучайтириш (crescendo), пасайиб бориш (diminuendo), баланд жаранг (F), паст жаранг (p) ва бошқалар ҳаракат динамикасига дадил таъсир қиладилар. Тўғри қўлланган динамик воситалар кўринмас тимсолни кўришга имкон яратиб беради. Масалан тобут ортидаги келаётган одамлар ҳаракатини (кадрда массовкаси) кўйидагича тасвирлаб бериш мумкин: дастлаб аста секин патги жарангдан бошлаб кучайиб борган ҳолда энг юқори жарангача мотам маршфонограммаси узоқдан келаётган одамларни ва уларни сўнги пайсайиши орқали тобутни кузатган одамлар йироқлашишини кўрсатиш мумкин. Шундай қилиб тасвирсиз ҳам томошабинларда бўлаётган воқеа ҳақида тассурот қолидириш мумкин.

Замонавий медитатив характерли музика таркибига «динамик статика» ёки «динамик туриш» каби иборалар киритилмоқда. Ушбу сифатлар замонавий режиссёрларнинг фаолиятида дадил қўлланилиб кино, телевидение ва радиода ўз аксини топмоқда.

Баъзида режиссёрлар ҳаракатни авж сари ивожлантиришга эътиборни қаратмайдилар. Улар учун томошабин ва тингловчилар онгида содир бўлаётган мулоҳаза, ўйлаш жараёни, ҳаёлот олами муҳимроқ бўлиб туради. Айнан бундай ҳолларда «динамик статикали» мусиқа ўрин олади.

Эфир дастурларида чолғу мусиқа асарларининг ўрни ниҳоятда катта.

Экран санъати оркестр чолғулаштирилиши учун ниҳоятда катта имконият очиб беради. Мусиканинг ифода воситалари телевизион ва радио кўрсатув ва дастурларида ўзига хос мустақиллик, кўргазмали бир қатор ифода воситалари орқали бўрттириб тамошавий хусусиятга эга бўлади.

Мусикий шаклларни *эфир асарларини композицион тузилишига утказган таъсири* масаласи ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Хусусан, телерадио асарда мусикий фонограммаларни маълум тарзда ишлатишдан йироқлашиши мақсадида мусикий шаклларни тузилиш қоидаларини, хусусан 3 қисмли (А-В-А), вариация (А-А1-А2-А3-А4-А5) ва шунингдек рондо (А-В-А-С-А-Д) шаклларга мурожаат қилиш ва уларни қўллаш мумкин. Бундай содда мусикий шаклларга мурожат қилиниши аввало уларни кенг тарқалганлиги ва мазкур шаклларни томошабин томонидан идрок этиш учун қўлайлиги билан белгиланади. Улар лўнда ва мазмунини очиб бериш учун ҳам кўп вақт талаб қилмайдилар. Улар бутун асарнинг фундаментини қотириб конструктив тузилишини яхлит қилиб беришга қодир.

Мусикий шаклларни тузилиш тамойилларининг ижодий ёндашув билан теледастурларда қўлланилиши уни аниқ кўринишга эга бўлиши шунингдек, унинг ичида мусикий матони ташкил қилишга туртки беради.

Шуни қайд этиш лозимки соната — Allegронинг композицион ўзига хослиги вақт ва фазовий муносабат санъат турларини композициясига мос тушади чунки телевидение, кино ва радио санъати бир бирига яқин бўлиб ўзининг табиатига кўра бир хил бўлимларга эга бўлади:

1. Эфир эшшителиришида боғланиш(илк бор қахрамонлар билан таништириш)- Соната Allegродаги биринчи мавзулар-бош ва ёрдамчи партияларни ўтилиши билан қиёсланади.

2. Ривожлов бўлими эфир дастурида қахрамонлар билан содир бўлаётган воқеийликларни акс эттиради — Соната Allegro да ассосий мавзуларни лад, оҳанг, ритм ва фактура ўзгариши боис трансформация қилиниши кўзатилади.

3. Авж (кульминация) ҳаракатнинг, ривожловнинг чўққиси Соната Allegрода мавзуларнинг энг юқори ривожлов палласини акс эттиради.

4. Эфир дастурида Ечим (асосий конфликт ечими топиши) Соната Allegro да (асосий мавзуларни трансформациядан сўнг намоиш этилиши)

Бу борада замонавий телевидение овоз режиссёрлигининг асосий вазифалардан бири теледастурнинг товуш партитурасига кирган ҳар бир алоҳида компоненти: нутқ, мусиқа, шовқинларни тўғри ва саводли тузиш ва унинг аҳамиятини белгилашдан иборат. Уларнинг ҳар бири ўзининг ифода воситалари доирасидан иборат бўлиб, яратилажак бадиий асарларнинг тизимини бой этишга қодир.

Мусиқа шовқинлар билан бир қаторда «кадр ортида», «кадр ичида» телевизион «отбивка» ва «заставка» каби шакллар кенг ўрин олган. Шовқин ва мусикани ифода воситалари бир бирига яқин бўлгани сабабли киноматография, радио сўнг телевиденияда уларни бадиий бирикмаси асосида юзага келган янги ходиса-шовқинли мусиқа дунёга келди.

Шовқинли мусиқа ўз ичида аниқ, реал ҳаётда мавжуд бўлган товушларни ўзига камраб олади. Уларни ўзаро бирикмаси, солиштирилиши, синтезатор орқали трансформация қилиниши эвазига гайри оддий эффектлар қўлланилади. Бу борада концерт ижрочилик амалиётида бундай ёрқин мисоллар мавжуд эканини таъкидлаш лозим. Шовқинли мусикий телевизион кўрсатувни ўзига хос товушли ечимини таъминлаб беради. Олдиндан ёзиб олинган шовқин ва мусикий парчалалар маълум тезлик, баландлик ўзгариши асосида тубдан янги товушли ассоциацияларни яратишга қодир.

Телевидени амалиётида бу борада композитор — авангардчилар ижоди алоҳида қизиқиш марказида туради. (Булес, Варез, Ксенакис, Ноно, Штокхаузен, Кейдж ва б. шулар жумласидан). Мазкур композиторларни асарларида аник ифодали куйлар кам ўрин олган бўлиб, турли гайри оддий чолгулар, шовқинларга ўхшатиш асосида йирик буёқлар ёки шовқинлар кетма-кетлиги кўз олдимизда гавдаланади. (Бу борада Луиджи Ноннинг «19 шовқин чолгулари учун тўртта асар»ини эслаш жоиз.)

Маълумки шовқинли мусиқа ўзини дасталабки шаклланиш ва ривож топиш босқичида кескин танқид қилинган бўлса, радио, кино ва телевидение пайдо бўлиши билан эфир асарларида мустахкам ўрни ва мавқеига эга бўлди. Биринчи галда ахборотни бош гоёсини визуал каторда жамлаган телекўрсатувларда шундай асарлар атроф муҳит, қахрамонларни ички олами ва дунёсини акс эттирилишида муҳим ўрин тутди.

Реклама, телекўрсатувларни бош мусикий саҳифаси, уларни орасида драматургик вазифани хусусан боғлаш риштасини бажарган мусикий «заставка» ва «отбивкалар» мусикасининг аҳамияти ўзгача.

Хулоса қилиб айтганда, Тв ва Радио дастурларининг том маънода жонланиши учун мусиканинг ўрни бекиёсдир. Тингловчи, томошабиннинг ички дунёсига кириб бориш, унинг ижобий хислатларини кўзгатиш ва яхшилик ва эзгулик сари бошлашда айнан мусиқа катта куч эканлигини изохлашга ҳаракат қилдик. Бундай хусусиятларни эса мақолада мусикашунос назари санъатшунослик фикрлаши орқали майда унсурлари тембр, темп, ритм, импульсивлик каби бир катор омилларига тўхталдик ва ҳар бирининг хусусиятларини очиб беришга урундик ва қисман эришдик деб ўйлайман.

Маълумки, телевидения ва радиода аксарияти кўрсатув, эшиттиришлар — мусикийдир. Дунёнинг ҳар бир бурчагида телетомошабинлар ва радио тингловчилари жаҳон мусиқа санъатининг энг ёрқин дурдоналари, опера ва балет спектакллари, танлов ва фестиваллар, турли халқларнинг миллий санъати билан танишиш, улардан баҳраманд бўлиш имконига эга. Телевидение ва радио орқали композитор, дирижёр ва ижрочилар миллионлаб тингловчилар олдида чиқишлар қилиб қизикарли маърузаларни ҳавола этадилар.

Аммо мусикий дастурни экранга олиб чиқиш машақатли жараёни ташкил қилади. Биргина мусикий кўрсатув яратилишида ижрочилардан ташқари 120 дан ортиқ ходимлар иштирок этади. Бу режиссёрлар операторлар таҳрирчилар ва рассомлар, овозрежиссёрлар ва видеомуҳандислар, чироқчилар, монтажёрлар ва бошқа соҳа вакиллари.

Мусикий кўрсатув ва эшиттиришлар ичида — тўғридан-тўғри эфирга Мустақиллик, Наврўз шодиёна байрамларни ҳавола этилиши, концерт саройлардан узатилган концертлар, телестудияда суратга олинган мусикий кўрсатувлар, радио студияларда тайёрланган дастурлар, танловлар, мусикий эшиттиришлар ва бошқалар шулар жумласидандир. Шулар қаторида табиат кўнида ёзиб олинаётган телевизион ва радио фильм-концертлар, (масалан, эстрада ёки фольклор дастурлар ва х.). Баъзида телевидение орқали таржимасиз бошқа мамлакат мусикий эшиттиришлар ва кўрсатувларни тинглаймиз, мусиканинг умумий тили телеэкран қаршисида минглаб одамларни бирлаштиради ва ҳамжихат бўлишига хизмат қилади.

Телеэкран ва радио нафакат макон ва вақт чегараларни ўчириб унинг идрок жараёнига ҳам ўз хиссасини қўшади. Экран Тургун Алиматов, Халима Носирова, Таваккул Қодиров, Ботир Зокиров, Муножат Йўлчиева, Муяссар Раззакова ва шу каби буюк хонанда ва ижрочилар санъат мўжизасини радио тингловчилар ва телетомошабинларга очиб беради.

Аксарият ҳолларда мусиқа телеэкранда рақс, тасвирий санъат, шеърят ва театр билан омўхталикда намоён бўлади. Ранг, товуш, сўз бирлиги мусикий дастурларда янги талқин ва мазмун моҳиятни яратади. Бошқа санъат турларининг тимсоллари фильм, эшиттириш ва кўрсатувларда мусикани чуқурроқ англаб, идрок этиш, уни кайфиятини хис қилишга қўмаклашади. Экранда мусиканинг кўргазмалари дунёси намоён бўлиб телевидениaning экран унсури-товуш ва тасвирий каторини бирлигини эвазига қўлаб ижодкорлар орзу қилган бирлик намоён бўлади ва гавдаланади. Хатто опера ва балет экран қаршисида қайта тугилади. Махсус

телеопера, телебалет, радиосахналаштиришлар учун кўплаб композиторлар мусиқа яратади.

Бугунги кунда тарбияланиб келаётган ёш баркамол авлод эришилган ютуқларга таяниб, ҳозирги жонли анъаналарни, шу жумладан Тв ва Радио тарихи ва ривожланиш босқичларида қайд этилган назарий қарашлар билан қиёсий ўрганиш эъборга лойиқлигини эътироф этиш лозимдир. Қайд этиш жоизки, Мусиқа, Теле ва Радио дастурларнинг муҳим компоненти ва композицион омили сифатида ўрганишлик уни ривожлантириш ҳамиша долзарб бўлибгина қолмай балки бугунги ижодий интилишларга илҳом баҳш этувчи ва айни чоғда истиқболга, эзгуликка интилган маънавий қудратдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. *Акбаров И.* Мусиқа лугати. Тшкент. 1997 й.
2. *Абдуллаев Р.* Ўзбек мумтоз мусикаси Тошкент: 2008 й.
3. *Виноградов В.С.* Классические традиции Иранской музыки.
4. *Гафурбеков Т.* Фолклорные истоки узбекского профессионального творчества. Тошкент: «Ўқитувчи», 1984 й.
5. *Жабборов А.* Ўзбекистон бастакорлари ва мусикашунослари. Тошкент: «Янги аср авлоди», 2004 й.
6. *Коваль Г.Л.* Интонирование Узбекской традиционной музыки. Ташкент: «Фан», 1990 г.
7. *Кароматов Ф.М.* О локальных стилях Узбекской традиционной музыки. М., 1964 г.
8. *Матёқубов О.* Оғзаки профессионал мусиқа асосларига кириш. Тошкент: «Ўқитувчи», 1983 й.
9. *Мамадалиев Ф.* Миллий мусиқа ижрочилиги масалалари. Тошкент: «Янги аср авлоди», 2001 й.
10. *Фитрат Абдурауф.* Ўзбек классик мусикаси ва унинг тарихи. Тошкент: «Фан», 1993 й.

V-XV ASRLAR MARKAZIY OSIYODA MUSIQA MADANIYATINING NAZARIY ASOSLARI

Matyakubova U.G'.

Urganch davlat universiteti

Annotatsiya: Tarixdan ma'lumki yurtimizda qadim-qadim musiqa madaniyatiga e'tibor yuksak darajada bo'lgan. Mazkur maqolada V-XV asrlar yurtimizda musiqa madaniyati, uning ijtimoiy ahvoli, musiqashunoslik bo'yicha ilmiy izlanishlar olib borgan allomalarning faoliyatlari haqida fikr-mulohazalar yuritilgan.

Kalit so'zlar: Musiqa madaniyati, Barbad, Marv, Xisrav va Shirin, Ma'mun akademiyasi, Shoxnoma, Jome al-ulum.

Аннотация: Из истории известно, что в нашей стране с древних времен наблюдается высокий уровень внимания к музыкальной культуре. В статье представлены мнения о музыкальной культуре нашей страны V-XV вв., ее социальном положении, деятельности ученых, проводивших научные исследования по музыковедению.

Ключевые слова: Музыкальная культура, Барбад, Марв, Хисрав и Ширин, Академия Маъмуна, Шохнама, Джама аль-Улум.

Abstract: It is known from history that in our country, since ancient times, there has been a high level of attention to music culture. In this article, there are opinions about music culture in our country in the 5th-15th centuries, its social situation, and the activities of scholars who conducted scientific research on musicology.

Keywords: Music culture, Barbad, Marv, Khysrav and Shirin, Ma'mun Academy, Shokhnama, Jame al-Ulum.